## Минг бир касб

# Ихлос

**Касбига бўлган садоқат, меҳру муҳаббатини амалий иши билан намоён этаётган ҳамшаҳарларимизнинг бугунги ютуғи дилни яйратади, одамларни яхши ишлашга ва яшашга руҳлантиради. Шу ҳақда ўйлар эканман, кино қурилмалар олдида экранга тасвир тушираётган Қаҳрамон Жўраев кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳозир унинг кўксини 21 йиллик ҳалол меҳнати туфайли берилган «СССР Кинематографияси аълочиси» нишони безаб турибди.**

Қаҳрамон ёшлигидаёқ киномеханиклик касбига астойдил меҳр қўйди. Изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли юқори малакали киномеханик бўлиб етишди. Шунинг учунми, 1982 йилнинг охирида ишга туширилган янги «Ватан» кинотеатрига ҳеч иккиланмай ишга ўтди.

Қаҳрамон Жўраев меҳнат қилаётган мазкур санъат даргоҳи ҳозир ҳамшаҳарларимиз маданий ҳордиқ чиқарадиган, кўнгилли дам оладиган намунали масканга айланиб қолган. Кейинги вақтда кинотеатр коллективи аҳолига юқори маданиятли хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳар хил кинофильмлар намойиш этиш билан бирга турли оммавий тадбирлар ва бошқа қизиқарли кечалар ҳам ўтказиб борилмоқда.

Киномеханик кадрлар тайёрлаш масаласи маъмурият олдидаги жиддий муаммоларнинг бири эди. Қаҳрамон бу масалани ҳал этиш бўйича ўз таклифини масъул кишиларга билдирди. Унинг таклифи кўпчиликка маъқул тушди. Натижада Қаҳрамон энди ёш кадрлар тайёрлашга ҳам энг муҳим вазифалардан бири сифатида қарамоқда. Ундан иш ўрганган Саидакбар Қорахонов, Мурод Акрамов, Ҳусан Орипов, Геннадий Баржин сингари ёшлар устозлари билан ёнма-ён ўзаро мусобақалашиб, иш олиб бормоқдалар.

— Киши қайси касбда ишламасин унга сидқидилдан меҳр қўйса, шубҳасиз бахтини топади, — дейди Қаҳрамон Жўраев. — Айрим ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топа олмай ишдан бўшаб, яна бошқа ишга кириб юришади. Ахир бу аҳволда уларнинг элга қандай нафи тегиши мумкин. Мен уларга «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақлни яна бир эслатиб қўйишни истардим.

Бугунги кунда жонкуяр киномеханик меҳнат қилаётган «Ватан» кинотеатрида меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Коллектив аҳолига кино хизмати кўрсатишни янада юксалтириш борасида бутун куч ва ғайратларини ишга солиб, белгиланган ойлик планларни бажариш, томошабинларга кўнгилдагидек маданий хизмат кўрсатиш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

— Ҳар касбнинг ўз гашти бўлиши билан биргаликда машаққати ҳам бор, — дейди кинотеатр бош инженери Қодир Одилов. — Киномеханиклик касбининг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд. Намойиш қилинадиган ҳар бир фильм томошабинларга юксак техник савияда кўрсатилиши лозим. Бунинг учун эса киномеханик маълум даражада тажрибага эга бўлиши керак. Қаҳрамонжон ана шундай тажрибали киномеханикларимиздан ҳисобланади. Унинг иш билан бирга кино санъатига оид адабиёт ва журналларни мунтазам ўқиб бориши ҳам санъатни севишидан далолат бериб турибди. Эҳтимол, унинг ўз касбининг жонкуяри бўлиб етишишига, барча ютуқларга эришишига ҳам шу ҳол сабабчи бўлгандир.

С. НОРХЎЖАЕВ.

## Истеъмол буюмлари манзурми?

# УСКУНА ЯНГИ, ПОЙАБЗАЛ ЭСКИ

Бугун савдо тармоқларида Ленинграднинг «Скороход», Минскнинг «Луч», Ереван фабрикалари пойабзаллари харидоргирлиги ҳаммага аён. Сўнгги пайтларда Тошкент пойабзал фабрикаларининг баъзи маҳсулотлари ҳам пештахталарда кўп ушланиб турмаяпти. Лекин ҳаммаси эмас. Ҳанузгача молларни кўздан кечираётган харидорлар баъзи буюмларни кўриб «Тошкентники экан», дея ҳафсаласизлик билан жойига қўяётганини кўрганда киши ич-ичидан зил кетади. Хўш, наҳот оёқ кийимлар сифатини таъминлаш шунчалик мушкул бўлса? Ахир Тошкент пойабзал фабрикаларида қанча-қанча ишчилар меҳнат қилишяпти. Ҳар куни конвейерлардан минглаб жуфт маҳсулотлар чиқариляпти-ку!

Мазкур корхоналардаги аҳволни билиш учун 2-пойабзал фабрикасининг ишлаб чиқариши билан қизиқдик. Бу фабрика кейинги йилларда ўз кўрсаткичларини яхшилаётганининг гувоҳи бўляпмиз. Мазкур коллектив 13 йил давомида қарзга ботиб, даромад фондини яратишга эриша олмади. Лекин сўнгги икки йиллик натижалар бу ишлаб чиқаришда барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планни ортиғи билан адо этиш мумкинлигини кўрсатди.

Республиканинг илгари қолоқ саналган корхонасида бугун ниманинг эвазига бундай натижаларга эришиляпти?

1986 йилда пойабзалчилар ишини текширган КПСС Марказий Комитетининг комиссияси мазкур корхонада ниҳоятда мураккаб вазият юзага келганлиги ва уни бартараф этиш учун барча чора-тадбирларни кўриш зарурлигини таъкидлади. Комиссия қароридан кейин пойабзалчиларга улар истаган чет эл техникаси келтирила бошланди.

Германия Федератив Республикасидан туфлиларнинг олди қисмини тортиб берувчи 2 та комплект келтирилди. Унинг нархи 197 миллион сўмга тўғри келди. Италиядан 16 миллион 600, Югославиядан 15 минг, Австриядан 1 миллион 327 минг сўмлик техника келтирилди. Яқин келгусида яна Италия фирмасининг 700 минг сўмлик маҳсулотларини харид қилиш кўзда тутиляпти.

Янги автомат линияларнинг ҳар бири 15 тадан ишчини бошқа участкаларга ўтказиш имконини берди. Меҳнат унумдорлиги ошди, ишчи кучи тежалди.

...Австриянинг «Лим» автоматини 2 — 3 йигит бошқаряпти, холос. Чармни тортиш, пошнани елимлаш ва мустаҳкамлаш операциялари автоматик тарзда бажариляпти. Автомат экранида эса операцияларнинг қандай бориши, ҳар сменада нечтадан пойабзал чиқарилаётгани, агар машинада бирор носозлик юзага келган бўлса, унинг қаерда эканлигини схемалардан билиб олиш мумкин. Уни машинанинг ҳақиқий информацион маркази деб аташ мумкин.

—Лекин бир қатор муаммолар бизга панд бераётганини ҳам айтиб ўтишимиз лозим, — дейди фабрика бош инженери Бахтиёр Иноғомов. — Ҳозир ўзингиз бунинг гувоҳи бўласиз.

...Стол устидаги катта дастрўмол ҳажмидаги чармларни кўриб кишининг кўзи қувонади. Ниҳоятда юмшоқ, эластик. Қўлингизга олиб қанча ғижимлаб турманг, дарҳол ўз ҳолатига қайтади. Бундай чармлардан нафақат оёқ кийимлар, балки бемалол куртка ёки жакетлар ҳам тикиш мумкин. Булар Югославия чармлари. Мана бу «қулинг ўргилсин» чарм эса Қўқон заводиники. Унинг катта-катта рулонлари келган жойига ҳурмат билан «қайтиб кетяпти». Чармни ушлаб, четини букиб кўрамиз. Чарм эмас, ҳақиқий фанер. Ниҳоятда қаттиқ, букилган жойида эса синиқ излар пайдо бўлди. Қўқон чарм заводидагилар пойабзал фабрикаси эмас, қурилишга мол жўнатяпмиз деб ўйлашганмикин? Ахир бу маҳсулот машиналарда тортилиши, тикилиши, елимланиши керак. Хўш, улардан қандай қилиб сифатли маҳсулот топшириш мумкин? Самарқанд ва Қўқондаги таъминотчилар пойабзалчиларнинг «Сифат кўрсаткичига» ана шундай ҳисса қўшаяптилар. Фабрика ўзига панд берган чарм заводларидан жарима ундиришни давом этаётганининг сабаби ҳам шунда. Айбдорлардан 1987 йилда 120 минг, 1988 йилда 139 минг сўмлик жарима ундирилди.

Ўндан ортиқ корхонадан чарм, яна шунчасидан пошна, Киевдан қолип, Семипалатинскдан мих, Германиядан елим, қўйингчи, ҳаттоки ипни ҳам четдан оламиз. Маҳсулотнинг сифати уларга ҳам боғлиқ. Лекин таъминотчиларимиз барча шартларни ўз вақтида, сифатли қилиб бажаряпти дея олмаймиз. Биз қўлимиздаги бор нарсадан имконият даражасида фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳақиқатан ҳам 2-фабрикадагилар ўз ишларини яхшироқ ташкил этиш учун ҳаракат қилишяпти. Фабрикада даромад фонди яратилди, ишчиларнинг маоши ўсди. Хўжалик ҳисобидаги корхона бугун давлат буюртмаларини бажариш билан бир қаторда ўз ассортиментларини ўзи белгилаб боряпти. Пойабзалларнинг янги-янги турлари мода талаблари асосида ўзлаштириляпти.

Шунингдек, болалар ассортиментига бўлган талаб айниқса ўсиб боряпти. Ўтган йилги улгуржи савдо ярмаркасида бу ассортиментлар дарҳол ўз эгаларини топди. Хўжалик ҳисобида ишлаётган корхоналар бундай маҳсулотларни нормадагидан ортиқ чиқармайдилар. Болалар ассортиментига катталарники сингари меҳнат талаб қилинади, лекин арзон нархга сотилади. Фақат фойда кетидан қувиб, кичкинтойларни ёдимиздан чиқариб юборишимиз инсофдан эмас.

Фабрикадагилар буни яхши тушунишади. 1987 йилда болалар ассортименти барча маҳсулотнинг 14,5 процентини 1988 йилда 21,2 процентини, 1989 йилда 23,2 процентини ташкил этяпти. 1990 йилдаги кўрсаткич эсаа 30 процент бўлиши кўзда тутиляпти.

Болалар пойабзалини кўпайтиришда янги техникадан фойдаланиш ўз натижасини беряпти. Буларнинг ҳаммаси қувончли, албатта. Лекин давлат буюртмаси ҳажмида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам бугун харидорлар талабини қондиролмаяпти. Министрлик шу муаммони ҳал қилиш ниятида Сирдарё областининг Гулистон шаҳрида фабриканинг филиалини очиш ва унда фақат болалар пойабзалларини ишлаб чиқаришга қарор қилганди. Филиал ишга туширилди. Лекин унинг лойиҳа қувватларини ўзлаштириш муаммо бўлиб қоляпти. 600 нафар ўрнига атиги 250 нафар ишчи меҳнат қилаётган коллективда тўла қувват ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Лекин у ердаги шароитни рўкач қилиб, болалар пойабзалларини камайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Умуман олганда пойабзалчиларнинг муаммолари талайгина. Улар ҳақида узоқ фикрлаш мумкин. Лекин янги шароит ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш ва ишлаб чиқариш суръатларини оширишни талаб қилади. Бугун мавжуд техникадан унумли фойдаланиш ва маҳсулотнинг аъло сифатини таъминлаш зарур. Республика енгил саноат министрлиги пойабзалчиларга маҳсулот етказиб берувчи заводлар хом ашёсининг ҳам юқори сифатли бўлишига эришиши лозим. Шундагина бугун чет элдан валютага харид қилинган техника ўзининг самарасини бериши мумкин.

Васида МАДИМАРОВА.

# Аҳолига қулайлик

⊙ «ТАШСЕЛЬМАШ» автостанциясида ишга туширилган 2-озиқ-овқатлар магазини йўловчиларга бирмунча қулайлик яратди. Энди улар йўл-йўлакай бу ердан ўзларига керакли бўлган маҳсулотларни харид этиб оладилар.

Автостанцияда йўловчиларга яратилаётган бундай қулайликларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу ерда ишлаб турган 2-«Лола» магазинининг хизматидан кўпчилик кенг фойдаланмоқда. Шу атрофдан ўтувчилар ундан ўзларига керак бўлган газламаларни, пойабзал буюмларини харид этиб олишаяпти.

Яқин ҳафталар ичида ишга тушириладиган юз хўрандага хизмат кўрсатувчи янги ошхона ва «Осиё» кафеси ҳам буерга алоҳида файз бағишлайди.

О. МАХМАЮСУПОВ.

# Янгиликка интилиб

**«Таштекстильмаш» заводи ишлаб чиқараётган машиналар тўқимачилик корхоналарининг катта талабига эга. Мазкур машиналарни мукаммаллаштиришга айниқса инженер конструкторлар ўзларининг ҳиссаларини қўшяптилар. Светлана Петровна Буркина заводда саккиз йилдан буён меҳнат қилиб келади. Бу муддат ичида у ўзининг яхши мутахассис эканлигини амалда намойиш этиб, пиликлаш машиналарининг электр тармоқлари бўйича янгиликлар яратишга эришди. Светлана Петровна корхонанинг кўзга кўринган рационализаторларидан ҳамдир. Ҳозиргача у яратган 13 та ихтирочилик таклифи ишлаб чиқаришда йилига 350 сўм иқтисодий самара беряпти.**



СУРАТДА: С. Буркина.

А. Хачатурьян сурати.

## Шарҳчи сатрлари

# СССР—ГФР: БУРИЛИШ НУҚТАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг ГФРга ташрифи чоғида мамлакатнинг Бонн ва Дюссельдорф шаҳарларида ана шу визитнинг ўзига хос жиҳатлари айниқса яққол намоён бўлди. ГФР пойтахти бўлган Бонн шаҳрида Ғарбий Германиянинг сиёсат ва давлат арбоблари билан расмий музокаралар ва суҳбатлар, савдо-саноат доиралари вакиллари билан учрашувлар жўшқинлик билан бошланди. Дюссельдорф эса Рур ишчилари пойтахти, кончилар ва металлурглар пойтахтидир, ушбу шаҳар аҳли ўз визитини якунлаган совет раҳбарини самимият билан кузатиб қолди. М. С. Горбачев яқинда бўлиб ўтган СССР халқ депутатлари съездида давлат бошлиғи этиб сайланган эди, унинг СССР Олий Совети Раиси сифатидаги бу ташрифи, барчанинг якдиллик билан берган баҳосига кўра, «тарихий визит» бўлди.

«Тарихий» деган сифатлашга яна инсоний деган сифатлашни ҳам қўшиш жоиз бўлади. Дортмунд — саноати ривожланган Рурнинг йирик марказидир. М. С. Горбачев бу ерда «Хеш — Вестфаленхютте» концерни заводларидан бирининг меҳнаткашлари билан учрашди. Ана шу учрашув чоғида худди ўша инсонийлик яққол ва ўзига хос тарзда кўринди. Ўша учрашувда 80 ёшли ветеран, корхонанинг собиқ ишчиси совет раҳбарига мурожаат қилиб, ука, яна бир келинг, деди. Бунга жавобан Михаил Сергеевич жилмайди ва ишчи билан қўл олиб хайрлашар экан, яна келаман, деганида барча буни маъқуллади.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ГФРга сафари чоғида Горбачев бу мамлакатдаги энг машҳур киши бўлди. Бунинг одамлар билан муомалада ғоят очиқ кўнгиллилиги ва камтарлиги билан изоҳланади. Аммо бу обрў-эътиборнинг сабаби фақат ёқимтойликдагина эмас. СССР Олий Совети Раиси бу ерда «қайта қуриш» ва «ошкоралик» сингари тушунчаларнинг мужассамидир, бу жараёнлар Германия Федератив Республикаси фуқароларига улуғ мамлакатнинг ақл-идроки ва қалбини янгичасига кашф этишга имкон беради. Ҳали яқингача ҳам бу мамлакат аҳолисининг кўпчилиги СССРни ҳарбий хавф манбаи, деб тасаввур этгани сир эмас.

Эндиликда эса Бонн, Кельн, Штутгарт ва бошқа шаҳарларда катта-ю кичик Совет Иттифоқи вакилларини қўлига қизил байроқчалар ушлаб кутиб олди, бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш якунлари шундан далолат бериб турибдики, ГФР аҳолисининг аксарият қисми ядро қирғини хавфидан ниҳоят халос бўлиш тўғрисидаги умидларини Совет Иттифоқи билан боғламоқда. ГФРнинг сиёсий раҳбарлари хизматини ҳам муносиб баҳолаш лозим бўлади. Айниқса сўнгги вақтда улар ҳарбий кескинликни юмшатиш борасида актив иш олиб бормоқдалар.

Ана шу янги тенденция, барчанинг якдил фикрича визит чоғида қабул қилинган асосий ҳужжат — қўшма баёнотда тасдиқланганлиги қонуний ҳолдир. Аслида, бу баёнот СССР билан ГФР декларациясидир, бу Декларация жаҳон тараққиёти муаммоларини ҳал этишга, Европанинг келажагига, халқаро хавфсизлик ва қуролсизланиш масалаларига янгича фалсафий назар билан йўғрилгандир. М. С. Горбачев матбуот конференциясида таъкидлаганидек, баёнот ноёб сиёсий ҳужжатдир, чунки унга турли социал системалар ва иттифоқларга мансуб бўлган, жаҳон ишларида муҳим роль ўйнаётган икки мамлакат имзо чекди. Совет раҳбарининг бу баҳосига Бонндаги музокараларда шерик бўлган арбоблар ҳам, маҳаллий матбуот ҳам қўшилмоқда. Айни вақтда, бу баёнот иккала мамлакат ўртасида 1970 йилда тузилган шартнома асосида ривожланиб келган СССР ва ГФР муносабатларида бурилиш нуқтаси бўлгани ҳам таъкидланмоқда.

Агар ҳужжат қоидалари конкрет ишлар билан мустаҳкамланмаса бу қоидалар қоғозда қолиб кетади, баёнотга имзо чеккан М. С. Горбачев ҳам, Г. Коль ҳам буни тушуниб турибдилар. Бу аввало, хилма-хил икки томонлама алоқаларни кучайтиришга тааллуқлидир. Бу борада ҳам визит вақтида, яъни қисқа муддат ичида кўп иш қилинди. Экология, илм-фан, маориф, туризм ва бошқа соҳаларда ҳамжиҳатлик тўғрисида ўндан ортиқ битимнинг имзоланганлиги келажакдаги аҳдномаларнинг салмоқли мажмуасидир. Бу битимларнинг амалга оширилиши икки мамлакат ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш суръатларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

М. С. Горбачев Кельнда Ғарбий Германия бизнеси етакчи намояндалари ҳузурида нутқ сўзлаб таъкидлаб ўтганидек, экономикадаги ўзаро боғлиқлик «сиёсатни олдиндан айтиб бериш имкониятини беради, бу эса Европа тинч тараққиёт ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг узоқ давом этадиган даврига мустаҳкам кириши учун бизга зарур бўлган энг муҳим омилдир».

Шундай қилиб, совет давлати бошлиғининг визити СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатлар учун ҳам, бутун цивилизация учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

М. С. Горбачевнинг ГФРга ташрифи чоғидаги музокаралар ва алоқалар инсоний соҳада ҳам анча самаралар берди. Визит якунланганидан кейин ГФР президенти Рихард фон Вайцзеккер бу ташрифга иккала мамлакат ўртасидаги «Инсоний ва сиёсий силжиш» хос бўлди, деб уқтирди. Хуллас, меҳр ва ишонч туйғуси ортди.

Владимир АБРОСИМОВ,

ТАСС мухбири.
Бонн.

## «Экология—89»

# Сувга оқаётган қорамой

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, юзага келган оғир экологик вазиятни яхшилаш борасида шаҳримизда иш олиб бораётган махсус комиссия ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ниҳоятда жиддий камчиликларни аниқлаяпти.

Газетхонларни мазкур комиссиянинг Салор қирғоқлари бўйлаб ўтказган текшириш натижалари билан таништирган эдик. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғининг ўринбосари, шаҳардаги «Экология—89» ҳаракати комиссиясининг раиси А. Э. Шапиро етакчилигидаги бу жонкуярлар ўз фаолиятларини янада жонлантираяптилар.

Экологик комиссия Салор, Қорасув ҳамда Анҳор каналлари қирғоғидаги саноат корхоналари ишини текшириш жараёнида талайгина камчиликларга дуч келяпти.

«Шаҳримиз озода бўлсин, илгари анҳорларда оқадиган зилол сувларимиз қани?» дея жар солаётган аксарият кишиларнинг сўзи бошқа — иши бошқа бўлаётганлиги кишини ташвишга солади. Мана Қорасув канали бўйлаб олиб борилган навбатдаги текшириш натижалари билан танишиб кўрайлик-а!

Қорасув канали Чирчиқнинг қуйи қисмидан бошланиб, узунлиги 36 километрни ташкил қилади. Унинг 14 километри пойтахтнинг Куйбишев, Ҳамза, Ленин ва Сергели районларидан оқиб ўтади.

Комиссия ўз ишини СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясидан бошлади.

Завод майдонидан бошланган Светляк қувури Қорасувга уланган. Қувурда ўрнатилган тозалаш асбоблари ишламайди. Каналга қуйилаётган сувлар таркибига катта миқдорда нефть маҳсулотлари аралашганлиги кузатилди. Нефть тозаловчи мосламанинг ишламаслиги туфайли ҳар куни қанча-қанча ифлос сув каналга қуйилаётганини билиб олиш қийин эмас.

222-ўрта мактаб ҳамда унинг ёнида жойлашган болалар боғчасида фойдаланилган сув биологик тозалашдан ўтганидан сўнггина каналга қуйилиши лозим. Лекин тозалаш ускуналарининг 20 йил илгари ўрнатилганини ҳисобга олганда, унинг нормадагидек ишламаслигининг сабаби очиқ-ойдин бўлиб қолади. Ифлос сувлар эса пастга қуйилаяпти. Хўжалик мақсадларида ишлатилаётган сувлар одатда канализация тармоқларига уланиши керак. Лекин шаҳримизнинг «Водоканал» тресты мактабда бу масалани ҳал қилиб бермаётганлиги туфайли шундай вазият юзага келган. Белгиланган ишнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари 1987 йилда тасдиқланган. Мактабга канализация тармоғини улаш учун 212 минг сўм маблағ белгиланган. Лекин буюртмачи — Куйбишев район халқ таълими бўлими юзага келган ҳолатда панжа ортидан қараб, ишни тезлаштиришга ҳаракат қилмаяпти.

Бугунги кунда сув бўйида, соя-салқин жойларда қурилган кафелар энг гавжум жойларга айланган. «Қорасув» кооператив кафеси (раиси — Р. Хайруллаева) қурувчилари ҳам келажакни пухта ўйлаб, шундоққина қирғоқда ўз масканларини барпо қилишга киришганлар. Лекин унинг қурилиши канални тозалашга халал беради. Қолаверса бу ерда кафе қуриш учун ҳеч қандай рухсатнома йўқ. Комиссия қурилиш ишларини тўхтатишга қарор қилди.

Канал қирғоғида жойлашган Тошкент нон қабул қилиш корхонаси (директори — Раҳимов)нинг ёрдамчи хўжалиги ҳам «озодаликка» ўз ҳиссасини қўшяпти. Метронинг Чкалов станцияси районида қувурлардан каналга қуйилаётган сувда зарарли моддалар миқдори чекланган нормадан бир неча ўн баробар ортиқлиги аниқланди.

1988 йилда Тошкент қоғоз фабрикасида ишлаб чиқариш цехларидан келаётган сувларни механик тозаловчи мосламаларнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилган эди. Лекин нима учундир ҳозиргача тозаловчи мосламаларнинг лойиҳада белгиланган бештаси ўрнига атиги учтаси ишлаяпти, насосларнинг яхши ишлаши йўлга қўйилмаяпти. Қолаверса эски канализация тармоғининг тозаловчи мосламаларсиз каналга уланганига нима дейиш мумкин? Каналнинг қоғоз фабрикаси территориясида жойлашган қирғоқлари қамиш ва ўтлар билан қопланиб ётибди. Юзага келган шароитда совуққонлик қилган фабрика бош инженери А. П. Арутюновга 30 сўм ҳажмида жарима тўлаш юкланди. Унга тозалаш иншоотларининг ишини йўлга қўйиб, сувни ифлослантиришга чек қўйиш вазифаси топширилди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси (директори — А. Олимбоев) территориясида гальваник цехдаги чиқинди сувлар каналга оқизилаётгани ва уларнинг таркибида хром ҳамда циан сингари зарарли моддалар катта миқдорда эканлиги аниқланди. Комиссия шу йилнинг 12 майидан гальваник цехни ёпиш ва канал қирғоғида сувларни нефть ва бошқа зарарли маҳсулотлардан тозаловчи мосламаларни ишга тушириш ҳақида қарор қабул қилди.

Оқтепа майдонидан то Ленин комсомоли номидаги боққа оқиб келувчи Бўзсувнинг бир қисмида эса камчиликларга чек қўйилмаётганлиги маълум бўлди. Чилонзор райони территориясида каналнинг қирғоқлари бўйлаб савдо иншоотлари қад кўтаряпти. Лекин бу қурилишга табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсатисиз киришилгани кишини лол қолдиряпти. Оқтепа майдонида 18/3 магазини филиали, «Навоий» кооперативининг сабзавот магазини, «Прогресс» кооперативи бу ерда ўз фаолиятларини бошлаб юборишибди.

Шуниси ташвишлики, шаҳарда кейинги пайтларда кенгайиб бораётган кооперативлар фаолиятида атроф-муҳит масалаларига эътиборсизлик билан қараш сезилмоқда. Кооперативлар учун бино қуриш ва уларга ер майдонларини ажратиш район ижроия комитетининг раҳбарлари ҳамда район архитекторлари томонидангина ҳал қилиняпти, холос. Табиатни муҳофаза қилувчи органлар ва шаҳар архитектура-лойиҳа бошқармаси четда қолиб кетяпти. Агар қурилиш масалалари ҳамкорликда ҳал қилинганда бундай кўнгилсиз ҳолларга учрамаслик мумкин эди. Ахир бундай қурилишлар давом этаверса шаҳар сувлари қандай аҳволга тушиб қолади?

Р. ИБРОҲИМОВ,
В. ТУРСУНОВА.

# Совет—Америка электрон алоқа системаси яратилмоқда

⊙ ВАШИНГТОН, (ТАСС). «Биз Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар халқлари ўртасида алоқа ўрнатиш билан шуғулланаётган барча кишиларга мурожаат қиламиз. Совет-Америка алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантириш эндиликда «Сорс» системаси ёрдамида анча активлашиши мумкин.

«Таллахасси—Краснодар» биродарлашган шаҳарлар программасининг вице-президенти Р. Бродел, Нью-Йорк университети санъат мактаби профессори Р. Гэллон ва «Партисипейт техноложиз» фирмасининг эгаларидан бири Г. Стивенс шундай мурожаатнома билан чиқдилар. Улар янги «Сорс» («Манба») ахборот системасини яратишда иштирок қилган эдилар, мазкур система иккала мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга ёрдам беради.

Янги ахборот системасининг абоненти шахсий компьютер ёрдамида «Электрон почта» орқали ва факсимиль алоқа воситасида зарур жойларга материалларни юбориши ва материаллар олиши мумкин. «Сорс» телекс ва телефон алоқасини йўлга қўяди, битта симга бир неча абонентнинг уланишини таъминлайди. Янги система АҚШдаги абонентларга нима беради? «СССР бугун», «Экономика-90», «Кенг миқёсдаги ошкоралик» сингари ахборот программалари инсон ҳуқуқлари, маданият муаммолари, экономика, сиёсат, экология, ошкораликнинг турли жиҳатлари, СССРда қайта қуриш ва демократиялаш мавзуларидаги кўп саволларга жавоб беради. Биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги айирбошлашларда иштирок этаётган кишилар учун алоҳида «СССР ва АҚШ» программаси тузилган.

Совет шериклари билан алоқалар ўрнатишдан манфаатдор бўлган амалий доиралар вакиллари, жамоат ташкилотлари «Сорс» хизматидан баҳраманд бўлишлари мумкин. «Биз бир-биримизнинг фикримизга қўшилишимиз ёки қўшилмаслигимиз мумкин, — дейилади янги ахборот системасини яратиш ташаббускорларнинг мурожаатномасида, — аммо биз икки улуғ давлат ўртасида, иккала мамлакат гражданлари, касаба союз ташкилотлари, клублар, амалий доиралар, кооперативлар, оммавий ахборот воситалари ўртасида алоқалар ўрнатиш тўғрисида биргаликда ишлашимиз мумкин».





**Чехословакиялик шишасозларнинг санъати авлоддан авлодга ўтиб келади. Техника тараққиёти, ишлаб чиқаришни механизация ва автоматлаштириш, табиийки, шишасозлик саноатини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аммо бу ерда қўлда бадиий ишлов бериш анъаналари ҳамон авайлаб асралади. Маҳсулотларнинг тури хилма-хил бўлишига қарамай, улар нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқарилади ва мунтазам янгиланиб туради. Чехословакия шиша буюмларининг жозибаси ҳам ана шундан.**

**СУРАТЛАРДА: Чехословакиянинг шиша маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи энг йирик корхонаси — Нови-бор шаҳридаги «Кристалэкс» заводи шишасозлари иш устида; ана шу завод ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг намуналари.**

ТАСС суратлари.

## Жонажон Ватан бўйлаб





**⊙ МОСКВА.** Собиқ Дьяково қишлоғидаги тарихий «Коломенское» ёдгорлиги территориясида «Московия — усталар шаҳри» ҳаваскорлик бирлашмаси ташкил этилган эди. Қишлоқ аҳолиси янги квартираларга кўчиб ўтди, бўшаган уйлардан бирида эса халқ устаси Вениамин Иванович Бабуров ёғоч ўймакорлиги студиясини ташкил этди.

**СУРАТДА:** «Ўроқ ва «Болға» заводининг инженери М. Шчербаков ўзининг барча дам олиш кунларини ана шу студияда ўтказади.

**⊙ ГАИ—1** кўчма диагностика станцияси енгил автомобилларни: уларнинг руль бошқарувини, тормозлари, ёритиш приборлари, ғилдирак ва шиналарини, шунингдек чиқинди газларининг таркибини текшириш учун мўлжалланган. Станция транспорт корхоналаридан машиналарнинг давлат техника кўрикларини ўтказишда, гараж коллективларида, автомобиль бекатларида фойдаланишга мўлжалланган.

**СУРАТДА:** кўчма диагностика станцияси йўлда.

ТАСС суратлари.

## Санъатнинг сеҳрли олами

# Оҳанглар оқимини жиловлаб

...Одатда томошабин уни спектакль, балет ёки концертнинг охиридагина, ўшанда ҳам муаллиф, режиссёр лутф кўрсатса саҳнада кўради. Бунгача эса дирижёр панада бўлади. Унинг қўлидаги аҳён-аҳёнда кўзга ташланадиган таёқчанинг ажабтовур ҳаракатлари билан оҳанглар оқими бошқарилади: бир лаҳза аввал момоқалдироқдек жаранглаётган мусиқа жилғалар жилдирашидек майинлашади, хиёл ўтмай дилингизнинг энг тўрини энтиктирадиган даражада ром қилади.

Ҳамидулла бундан 36 йил муқаддам Глиэр номидаги мусиқа мактабига ўқишга кирган вақтидаёқ ана шундай оҳанглар «қўмондони» бўлишни орзу қилганди, дейиш ҳақиқатдан узоқ бўларди. Аммо куйларнинг сеҳрли олами ўз сирларидан воқиф қилгани сари бу иштиёқ ғунча оча бошлади. У Тошкент Давлат консерваторияси ўзбек халқ музика асбоблари факультетини тугаллагач, шу билим даргоҳида дирижёрликка ўқий бошлади. Ҳ. Шамсутдиновнинг бахти бор экан. У опера-симфоник дирижёрлик факультетида таниқли композитор Мухтор Ашрафийнинг шогирди бўлди.

— Устозим менга Чайковский музикасининг дунёсини очди, — хотирлайди Ҳамидулла Убайдуллаевич. — Мухтор Ашрафий менга ўз фарзандидек муносабатда бўларди.

Мусиқаси билан республикамизгагина эмас, иттифоқимизга танилган композиторнинг шогирдига бундай муносабати тасодифий эмасди. Ҳамидулла консерваториянинг 3-курс талабалиги пайтидаёқ Душанбеда гастролда бўлди. Ўшанда А. Рўдакий номидаги Тожикистон Давлат филармонияси оркестри билан биргаликда А. Дворжакнинг симфонияси ва Г. Мушелнинг тўртинчи фортепиано концертини ижро этиб, асл мусиқа ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлганди.

1988 йилда Ҳ. Шамсутдинов Мухтор Ашрафий тавсиясига кўра А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрига ишга олинди. Шундан бир йил ўтар-ўтмас унинг зиммасига катта масъулият тушди: Ҳамидулла театр ижодий коллективи билан бирга Москвада гастролда бўлди. У бу ерда машҳур рус композитори А. Лядовнинг «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак» балетига дирижёрлик қилди. Ушбу асар рус фольклор қўшиқларига яқин, чолғу ва оркестр пьесаларидан иборатлиги маълум. Балет музикасини ижро этиш мусиқачилардан ҳам, дирижёрдан ҳам катта маҳорат талаб этарди.

Гастроль муваффақиятидан руҳланган Ҳ. Шамсутдинов В. Астафьевнинг «Боқчасарой фонтани», А. Аданнинг «Жизель», П. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», Л. Минкуснинг «Дон Кихот» балетларида ҳам оркестрга моҳирона дирижёрлик қилди. Бу дирижёрдан биргина маҳоратнигина эмас, чуқур партитура билимини, бадиий мусиқа тафаккурини ҳам талаб қилади. Зеро дирижёр балетмейстер билан хореограф ўй-фикрларини мусиқа воситаси ёрдамида уйғунлаштиришга, ёрқинроқ ифода этишга кўмаклашиши лозим.

Ҳамидулла Убайдуллаевичнинг дирижёрлик маҳорати айниқса О. Маликовнинг «Севги афсонаси» балетида тўлақонли намоён бўлди. Маълумки бу асар Нозим Ҳикматнинг шу номли пьесаси асосида мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетган. Бу дирижёрдан мусиқа муаллифи талқинидан чиқмаган ҳолда балетга ўзига хослик бахш этиш учун оркестр билан чуқур ижодий изланишни талаб этарди. Ҳ. Шамсутдинов бунинг уддасидан шараф билан чиққан дирижёрлардан ҳисобланади. Шу боисдан у мазкур спектаклларга музика раҳбари ҳам бўлди.

Дирижёрнинг таниқли бастакорлар, артистлар билан доимий мулоқоти, ҳамкорлиги истеъдодининг янги қирраларини очишга кўмаклашди. Ҳамидулла Убайдуллаевич СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати, марҳум Марис Лиепа, СССР халқ артистлари Надежда Павлова, Ирина Калпаковалар билан биргаликда ишлашга муяссар бўлган. Дирижёрнинг ижодий муваффақиятлари унга Ўзбекистон ССР халқ артисти фахрий унвони берилганлигида ҳам ўз ифодасини топди.

— Мусиқани тубсиз уммонга қиёс қилишади, — ҳикоя қилади Ҳамидулла Убайдуллаевич. — Ҳақиқатан ҳам музика дунёсининг сарҳадлари йўқ. У инсонни гўзалликка, эзгуликка ўргатади. Ҳозирги шиддатли, ўзгарувчан давримизда бу ҳар бир киши учун жуда зарур бўлган хислатлар деб ҳисоблайман. СССР халқ депутатлари съездида машҳур олимимиз, академик Д. А. Лихачевнинг жамиятимизда маданиятни, маданийликни қадрлаш тўғрисида жуда куюниб айтган фикрларига тўла қўшиламан.

Аммо республикамизда, шу жумладан пойтахтда ҳам опера, балет санъати, симфоник куй қадрига етадиган ихлосмандлар ҳали ҳам кам топилади. Мен бунга афсусланиб кетаман. Биргина мисол келтирай, К. Хачатуряннинг «Чипполино» балети Тошкентда биринчи бўлиб қўйилди. Лекин унинг премьерасига юз нафар чоғли томошабин тўпланди. Балет ижрочиларининг сони эса 80 киши. Мана, санъатга муносабат.

Албатта, биз музика ташвиқотини кучайтиришимиз, корхона ва хўжаликларда, айниқса ёшлар ўртасида, ўқув юртларида кенг тушунтириш ишлари олиб боришимиз зарур. Шундагина Европанинг йирик шаҳарларидек, опера, балет премьераларига билет топиш амри маҳол бўлиши мумкин.

Дирижёр ўз пульти ёнида оркестрга раҳбарлик қилиб, оҳанглар оқимини жиловлаш билан бирга бу ишда ҳам фаоллик кўрсатяпти.

**Фотима ШАРИПОВА,**
**санъатшунос.**

## Она-Ер бойликлари

# Океандаги хазина

Қуруқликдан қазиб олинишиқ қулай бўлган фойдали қазилма конлари тобора камайиб бораяпти. Олимларнинг ҳисобларига кўра, Ер юзида юз йилга етарли алюминий хом ашёлари, бир неча ўн йилга етадиган мис каби маъдан запаслари қолди, холос. Лекин турли балиқлари ва сув ўтларини инсонга ҳадя қилаётган денгиз ва океанлар турли-туман фойдали қазилмалари билан ҳам эътиборга моликдир.

Яқин келажакда дунё океани, айниқса қуруқликдан денгиз ва океан чуқурлигига ўтадиган қисми — шельф асосий хом ашё манбаи бўлиб қолади. Шельфнинг ўртача чуқурлиги одатда 200 метр деб ҳисобланади. Умумий майдони эса олти миллион квадрат километрни ташкил қилади. Унинг эни 60 километрдан 600 километргача боради.

Денгиз тўлқинларининг қуруқликни босишидан ҳосил бўлган маъданга бой бу зона 28 мамлакат билангина чегарадош. Шунга кўра, қуёш ва мавжли тўлқинлар туфайли сувининг ҳарорати доимо ўзгариб турувчи ана шу мафтункор зонанинг ўз юридик ҳуқуқлари ҳам бор. Бу билан БМТ қошида тузилган махсус комиссия шуғулланади. Акс ҳолда шельф учун халқаро жанжал туғилиши мумкин. Чунки шельфдаги фойдали қазилмаларни оқим сувлари турли мамлакатлар территориясидан келтириб ётқизган. Шунинг учун ҳам Греция ва Туркия ўртасида шельф учун «кураш» ҳамон давом этиб келаяпти. Бундай ҳолни Ғарбий Европа шимолидаги давлатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шельфлардаги барча фойдали қазилмаларни олимлар одатда уч группага ажратишади. Улардан энг аҳамиятлиси қирғоқ бўйи сочма конларидир. Айниқса, бу ўринда олтин, платина, олмос, қаҳрабо кабилар эътиборга моликдир.

Денгиз ости фойдали қазилмаларига нефть, газ, кўмир каби ёқилғилар, қум, чиғаноқ сингари қурилиш материаллари киради. Океанда ана шундай ёқилғилардан ташқари темир ва марганецли жинслар ҳамда қўрғошин каби маъданлар мавжуд. Шимолий Американинг океан соҳилларидаги 12—30 метр чуқурлигидаги қум эланиб, унинг ҳар кубометридан 10 грамм оқ олтин, яъни платина олинмоқда. Йиллик мавсум давомида 765 кубометрга яқин қум эланиб, заргарлик ва медицина учун зарур бўлган ана шу маъдан йиғилади.

Намибиянинг океан қирғоқларидан дунё бўйича олмоснинг 20 фоизи олинади. Сув сатҳидан 10—30 метр чуқурликда жойлашган бу юқори сифатли олмосдан ҳар суткада 140 граммгача йиғилади. АҚШ компаниялари эса бу ердан йилига 340 тонначa олмос қазиб олмоқда.

Табиатнинг қизиқ табиатини қарангки, денгиз ости сочма конларининг асосчиси баҳорда тез-тез содир бўлиб турадиган табиий офат — сел экан. Олимларнинг гувоҳлик беришларича, сел оқизиқлари қуруқликдаги ноёб фойдали қазилмаларни «қазиб олиб», ўзи билан «шошилинч» оқизиб келтириб одамлар кўзидан денгиз суви остига «яшириб» қўйган экан.

**Исмоил ОТАЖОНОВ,**
**СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.**

## «Ўзбекфильм» павильонларида

# «Биргина мавсум доҳийси»

**«Ўзбекфильм» киностудиясида сўнгги йилларда ўсмирлар учун бир неча фильмлар яратилди. Уларнинг яратилишида талантли ёш режиссёр Собир Назармуҳамедовнинг ҳиссаси катта.**

**Ёшлар орасида шов-шувга сабаб бўлган «Бўри» бадиий фильмининг режиссёри Собир Назармуҳамедов тўғрисида гап кетганида дастлаб у ўз ички туйғулари билан ҳаётимизда учрайдиган, атрофимизда содир бўлаётган воқеаларни яққол, очиқ-ойдин тасвирлаб берганлиги айтилади. Режиссёрнинг доимий изланишлари, тинимсиз меҳнати шу кунларда В. Гусевнинг сценарийси асосида суратга олинаётган янги бадиий фильмда ҳам намоён бўлмоқда.**

**Собир Назармуҳамедов билан қилган суҳбатимиздан маълум бўлдики бу «Биргина мавсум доҳийси» фильми сюжетида тасвирланадиган воқеалар гўзал табиат қўйнига жойлашган пионер лагерида юз беради. Фильмни яратишда постановкачи-оператор Нажим Ғуломов, постановкачи-рассом Нозим Аббосов, иккинчи режиссёр Ботир Ҳолиқов, режиссёр ассистенти Ҳамид Азизов, костюмлар рассоми Альфия Ғозиевалар бамаслаҳат иш олиб боришмоқда. Бош ролларни Тошкентдаги мактабларнинг ўқувчилари ижро этишади. Улардан ташқари фильмда кинотомошабинларимизга таниш киноактёрлар Диёс Раҳматов, Воҳид Қодиров, Ражаб Адашев, Ҳожиакбар Нурматовлар ҳам иштирок этмоқдалар**

**М. МУҲИТДИНОВ.**



СУРАТДА: «Биргина мавсум доҳийси» фильмидан лавҳа.

В. Цвиренко сурати.

# Ўтмишга бир назар

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи тарих музейида очилган кўргазма бизнинг кунларимиздан даҳшатли уруш йилларига етаклайди. Бу ерда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Жуковнинг фронтда чизган расмлари намойиш этилмоқда. Мазкур асарлар жанглар оралиғида бўлган танаффуслар чоғида мўйқалам, оддий қалам билан яратилган. Бу асарлардан ҳозир ҳам пороҳ ҳиди келиб тургандек. Ўша, олис 43-йилда мазкур асарлар орадан ўн йиллар ўтиб авлодларни тўлқинлантиришини муаллиф хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. У оддий солдатлар ва офицерлар — жанг қаҳрамонларини ўзича чизиб юрар, машаққатли фронт кунларини тасвирга туширарди. Ҳар бир сурат қаҳрамонона тақдирдан далолат беради. Ана шу қаҳрамонларнинг баъзилари мусаввир билан рўбарў бўлиб, расми туширилганидан сўнг эртасига эрталаб жангга кирган ва ҳалок бўлган, баъзилари эса тинч даврда оғир жароҳатлар сабабли вафот этганлар. Лекин уларнинг барчаси тарих саҳифаларида қолишган — «Ўзиюрар танк тўпчиси» деб номланган номаълум солдат, «Разведкачи Худяков Иван», «Ц. Куников отряди жангчи-десантчилари» асарларида ана шу тарихий қаҳрамонлар акс эттирилган.

Рассомнинг беваси Таисия Васильевна Федотова ана шу асарларни оила архивидан олиб кўргазмага тақдим этди. Таисия Васильевна мазкур асарлар муаллифи ҳақида ҳам сўзлаб берди. Борис Самойлович Жуков аср бошида ота-онаси билан Тошкентга келган, шу ерда ўқиган, Бўзсув гидроэлектростанцияси қурилишида ишлай бошлаган эди. Ўттизинчи йилларда Москвада полиграфия институтини тугатган, бу ерга график рассом дипломи билан қайтиб келган эди. У 43-йилда фронтга юборилди. Ўша ерда, Шимолий Кавказ йўналишида ҳозир кўргазмага қўйилган асарлар яратилган эди.

## Бутун оила билан дам олишга

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари дам олиш кунини қизиқарли ўтказдилар. Корхонанинг бир ярим мингдан ортиқ ходими ўз оилалари билан бирга Горький номли болалар марказий дам олиш ва истироҳат боғи ходимлари ташкил этган коллектив бўлиб дам олиш кунида қатнашдилар.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари, профессионал ижрочилар боғнинг ёзги саҳналарида катталар учун концерт қўйиб беришди. Болалар эса турли-туман аттракционларда қатнашишди. Энг кичик болалар билан эса болалар майдончаларида тажрибали методистлар машғулотлар ўтказишди.

Бундай шартномадан иккала томон ҳам наф кўради — корхона ўзи учун қулай бўлган кунни илгаридан келишиб олиши, боғ эса бир меъёрда доимий ва кафолатли даромадга эга бўлиши мумкин. Бу хўжалик ҳисоби шароитида муҳим омил ҳисобланади. Айни вақтда бирлашма сингари корхоналардан олинадиган даромад анча катта бўлади. Коллектив бўлиб дам олишнинг ҳар бир кунида боғ минг сўм пул ишлаяпти, агар боғ маъмурияти Тошкентдаги энг катта ўн икки корхона билан шартнома тузганлигини ҳисобга олсак, унда олинадиган даромад жуда катта эканлигини пайқаш мумкин.

(ЎзТАГ).

## Гиёҳвандлик—иллат

# «КЎКНОР-89»

### 26 ИЮНЬ — ДУНЁ БЎЙИЧА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

**Тошкент шаҳрида «Кўкнор—89» операциясининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси 6-бўлимининг бошлиқ ўринбосари, милиция майори А. Савельев махсус «Тошкент оқшоми» учун штатсиз мухбиримиз П. Галгайга гиёҳвандликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида ҳикоя қилади.**

Александр Николаевич суҳбатни тўғридан-тўғри нохуш статистика маълумотларидан бошлади:

— Шу йилнинг фақат беш ойи ичида пойтахтда гиёҳвандлик оқибатида содир этилган 261 жиноий ҳаракат қайд этилди, шу фактлар юзасидан 148 жиноий иш қўзғатилди. 84 нафар ҳуқуқ бузувчи маъмурий жавобгарликка тортилди. Таққослаш учун 1988 йилнинг ана шу даврига оид маълумотларни келтирамаи. Ўтган йили ана шу вақт ичида 234 жиноий ҳаракат қайд этилиб, 55 киши маъмурий жавобгарликка тортилган, 145 жиноий иш қўзғатилган эди. Ҳисоб-китоблар ана шу кўнгилсиз кўрсаткичнинг бир йилда ўртача 12 фоизга кўпайганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳар ички ишлар органларида наркотик, психотрон ва заҳарли моддаларни истеъмол қилишга мойил 1395 киши, шу жумладан 211 нафар балоғатга етмаганлар рўйхатга олинган. Шулардан 643 нафари, шу жумладан 31 нафар ўсмир «гиёҳванд» диагнози билан шаҳар наркологик диспансерида ҳисобда турибди.

Энг ташвишлиси шундаки, 1989 йилнинг бошидан бери наркотикларни сотиш, бузуқхоналарни сақлаш юзасидан қўзғатилган жиноий ишлар сони кескин кўпайди. Наркотикларни сотгани учун 36, бузуқхоналарни сақлагани учун олти жиноий иш қўзғатилди. Ўтган йилнинг шу даврида наркотикларни олиб сотиш билан боғлиқ 22 жиноий иш, бузуқхоналарни сақлагани учун бир жиноий иш қўзғатилган эди. Яна рақамларга мурожаат этайлик: агар ўтган йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида жиноятчилардан ҳаммаси бўлиб, 45 килограмм 648 грамм наркотик моддалар (шаҳар бўйича) мусодара қилинган бўлса, шу йилнинг бошидан бери 33 килограмм 261 грамм наркотик моддалар мусодара қилинди. Бу маълумотлар милициянинг ёмон ишлаётганлигидан далолат берадими? Аксинча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳозир ҳар қачонгидан ҳам яшил оғуга қарши курашда, унинг хом ашё базасини бутунлай тугатишда имкониятлардан тўла фойдаланишяпти. Аммо оғу экувчилардан тортиб, уларни пуллайдиганларгача вазиятни ниҳоятда сезгирлик билан ҳис этадилар. Улар яшил оғунинг нархини тобора қимматлаштириб боришяпти. Улар кўкнор ёки наша чеккан киши, айниқса ўсмир ёшлар такроран «кайф» қилиш истагидан ўзларини тия олмасликларини жуда яхши биладилар. Вақт ўтган сайин ярамас одатдан қутилиш шунчалик қийин бўлади. Наркотик моддаларга ташналикни дастлабки дозалар билан қониқтиришнинг иложи бўлмай қолади. Охир-оқибатда бу жиноятга олиб келади: кимнингдир ҳаёти қурбон бўлади, кимдир ўз қилмиши учун қора курсига ўтиради...

**— Александр Николаевич, «Кўкнор» операцияси қандай ўтаётгани ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз.**

— Умуман, шу хилдаги операцияни ўтказиш ғояси пайдо бўлганига кўп вақт бўлди. Уни самарали амалга ошириш мақсадида Тошкентда манфаатдор ташкилотлар, идоралар ва жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда милиция куч ва маблағлари тайёрланмоқда, жой-жойига қўйилаяпти.

Шу йилнинг апрель ойида, шаҳардаги гиёҳвандлик билан боғлиқ аҳвол пухта таҳлил қилинганидан сўнг, таркибида наркотик моддалар бўлган экинлар ёввойи ҳолда ўсадиган ва қонунга хилоф равишда экилган майдонларни, наркобизнес «арбоблари»ни, шунингдек, наркотикларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш учун милиция ходимларидан оператив-қидирув группалари ташкил этилган эди. Операцияга мингдан зиёд милиция ходимлари ва юзга яқин жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Кўпгина техника воситаларидан, авиациядан, яшил оғуни қидиришга махсус ўргатилган итлардан фойдаланилмоқда. ГАИ постларига оғу етказиб берувчи ва ташувчилар йўлидаги тўсиқ сифатида қўшимча группалар қўйилди.

**— Сизнингча, гиёҳвандликни тугатишга биринчи навбатда нималар халақит бераяпти?**

— Муаммолар кўп. Ободонлаштириш Бош бошқармаси ҳали ҳам шаҳарда яшил оғу ёввойи ҳолда ўсувчи жойларни аниқлагани йўқ. Бу ишда аслини олганда маҳалла комитетлари ва уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, уй комитетлари ва кўнгилли халқ дружиналари, комсомол ташкилотлари ҳам иштирок этишмаяпти. Ҳамма ерда ҳам қатор корхоналарнинг раҳбарлари ёввойи ҳолда ўсувчи наркотикларни аниқлаш ва уларни йўқотиш борасида актив нуқтаи назарда турибди, деб бўлмайди. Ободонлаштириш Бош бошқармаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими республика пойтахтидан оқиб ўтувчи дарё ва каналларнинг санитария ҳолатини назорат қилишни ўзларидан соқит қилишган. Май ойидан ноябрь ойигача ана шу ерларда ёввойи наша кўплаб ўсиб ётади. Ички ишлар органларининг ходимлари, айтишга тўғри келади, жамоатчиликнинг кам сонли вакиллари билан биргаликда, шу йилнинг фақат май ойида ана шу ерларда яшил оғу ёввойи ҳолда ўсиб ётган 3 минг 700 квадрат метр майдонни аниқлаб, ана шу экинларни йўқ қилишди. 25 май куни Сергели районидаги Белорус кўчаси бўйлаб канал ёқасида ёввойи ҳолда ўсиб ётган 200 туп, Чортоқ дарёси бўйлаб ўсиб ётган 150 туп наша ўсимлиги йўқотилди. Ҳамза районидаги Қорасув дарёси ёқаларида 462 квадрат метр майдондаги наша ўсимликлари йўқотилди. Октябрь, Ленин, Киров районларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Салор, Бўзсув дарёларининг соҳилларида 200 квадрат метрга яқин майдонда нашазорлар аниқланди ва йўқотилди. Шу ўринда хусусий хонадонларда қонунга хилоф равишда экилган наркотик экинларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни кўрмаётган ободонлаштириш Бош бошқармаси, маҳалла комитетлари шаънига эътирозлар билдиришга тўғри келади.

**— Мисоллар келтиришингиз мумкинми?**

— Марҳамат. «Кўкнор—89» операциясининг биринчи босқичида хусусий ўн хонадон территориясида ана шундай экинлар аниқланди. Ҳамза кўчасидаги 23-уйда истиқомат қилувчи 1910 йилда туғилган пенсионер Сатторованинг ҳовлисида 250 квадрат метр майдонда парвариш қилинган, яқиндагина суғорилган кўкноризор топилди. Кронштадская кўчасидаги 10-уйда истиқомат қилувчи 1929 йилда туғилган Прохорованинг ҳовлисидан 130 туп ҳинд нашаси ўсимлиги топилди. Мўйноқ кўчасининг 1-проездидаги 13-уйда истиқомат қилувчи пенсиядаги Мирзаеванинг томорқа участкасида 40 квадрат метрдан зиёд майдонга кўкнор кўчати экилган экан. Куйбишев районининг Пилла кўчасидаги Фатхулбоева ва Кузнецоваларга қарашли 20 ва 24-уйларнинг томорқа участкаларидан 55 ва 94 туп ҳинд нашаси ўсимликлари топилди. Ана шу экинларнинг ҳаммаси пайҳон қилинди, айрим фактлар юзасидан ман этилган экинларни парвариш қилганликлари учун жиноий иш қўзғатилди. Шу нарса диққатга сазоворки, биринчи қарашда обрўли ана шу кишиларнинг айримлари жиноят устида қўлга тушганларида, ҳовли чиройли ва салқин бўлиши учун гулларни суғораяпман, дейишади ҳайрон бўлиб. Айримлари эса милиция ходимларининг кутилмаган ташрифидан норози бўлиб, наркотиклар тугаб бораётган куч-қувватимизни тиклаш учун бизнинг ўзимизга зарур, деб тасдиқлашади. Эътиборингиз учун шу нарсани маълум қиламанки, бир неча юз грамм шу хилдаги «дори»ни қонунга хилоф равишда пуллаш натижасида орттирилган даромад чиндан ҳам Қора денгиз соҳилидаги энг яхши курортларда сиҳат-саломатликни икки ой даволаш учун етарлидир. Ваҳоланки, биз бир неча эмас, ўнлаб ва юзлаб килограмм наркотикларни йўқ қилаяпмиз.

**— Балоғатга етмаган ёшларни наркотикларга хавфли қизиқиши ҳақида гапириб ўтдингиз...**

— Ҳа, ўсмирлар ўртасида гиёҳвандликка қарши курашни ташкил этиш милицияда алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Илгаригидек, ҳозир ҳам ёш гиёҳвандларни, заҳарвандларни асосан ички ишлар органларининг ходимлари аниқлашмоқда. Наркотик моддаларни истеъмол қилувчи балоғатга етмаганлар ялпи сонининг 70 фоиздан зиёди шу йил бошидан бери тегишли турли рўйхатларга олинди. Уй-жойлардан фойдаланиш идораларининг педагог-тарбиячилари, ЎзЛКСМ шаҳар комитети, ўсмирлари кабинетлари ва болалар поликлиникаларининг врачлари, ҳунар-техника билим юртларининг педагогик коллективлари эса негадир ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларини бажаришдан бош тортишяпти.

1989 йилда наркотик моддаларни вақти-вақти билан истеъмол қилувчилар рўйхатида турувчиларнинг аксариятини шаҳар ҳунар-техника билим юртларининг талабалари ташкил этди. Наркотик моддаларни истеъмол қилиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жиноятларнинг ярмидан кўпи бу йил ана шу тоифадаги ўқувчилар ҳиссасига тўғри келади. Масалан, операция ўтказиш чоғида Куйбишев районида 3-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси 1971 йилда туғилган Ф. Одилов ушланган эди. Унинг ёнидан 5 грамм наша чиқди. Шу билим юртининг бошқа талабаси И. Лозовой «Гулшан» боғида наркотик модда билан қўлга тушди. Фрунзе районида 1971 йилда туғилган 38-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Д. Долгов 15 грамм наша билан ушланди. Ҳамза районида 14-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси 1972 йилда туғилган А. Александров ушланган эди, унинг ёнидан 7 грамм кўкнор чиқди.

«Кўкнор» операциясини ўтказишда умумтаълим мактабларининг кўпгина педагогик коллективлари ҳам иштирок этишмаяпти. Улар аксарият мактабларнинг территориясида ўсиб ётган, таркибида наркотик моддалар бўлган ёввойи ўсимликларни йўқотиш учун ҳеч нарса қилишаётгани йўқ. Мисоллар керакми, марҳамат. Куйбишев районидаги 222-мактаб ёнида милиция ходимлари 270 туп наша ўсимлиги ўсиб ётганини аниқладилар ва йўқ қилдилар. Сергели районида жойлашган 35-мактаб территориясида ўсиб ётган 1046 туп наша ўсимлиги йўқ қилинди.

Ёш авлодни тарбиялашга даъват этилган кишиларнинг наркотик моддалар билан қўлга тушаётгани айниқса, ажаблантиради. Яқиндагина ҳунар-техника билим юртининг мастери 1964 йилда туғилган С. Холиқов 10 грамм наша билан қўлга тушди. Болалар боғчасининг сузиш бўйича тренери А. Ряжев наркотик моддаларни сақлаганлиги учун қўлга олинди. Ундан 650 грамм наша мусодара қилинди. Ана шу тренер болаларни сузишдан ташқари яна нималарга ўргатган экан? Мазкур фактлар юзасидан милиция район бўлимларида жиноий иш қўзғатилди.

**— Александр Николаевич, сизнинг гапларингиздан кейин одам ўзини қаерга қўйишни билмай қолади. Ҳар ҳолда бу борада қандайдир ижобий силжишлар борми?**

— Шак-шубҳасиз, Тошкентда гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши курашни ташкил этишда муайян ижобий ўзгаришлар бор. СССР Ички ишлар министрлиги бу йил биринчи марта наркобизнес соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш юзасидан регионал бўлимни ташкил этди. Бизга ва Ўрта Осиё республикаларидаги ҳамкасбларимизга наркотикларни ташувчиларнинг изига тушиш имконини берувчи оператив ахборотларни айирбошлаш тариқасида дастлабки ёрдам кўрсатилмоқда. Ҳозир биз асосий эътиборни кенг ошкораликка, шаҳар ва унинг атрофида яшовчи аҳоли ўртасида гиёҳвандликка қарши пропагандани кучайтиришга қараяпмиз.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, ўз самараларини бераяпти. Аммо ҳар ҳолда, энг асосийси, гиёҳвандликка қарши курашнинг бошқа қиррасида деб биламан. Қонунларимизнинг мукаммал эмаслиги билан боғлиқ долзарб масалага тўхталиб ўтирмайман. Ушбу муаммо ҳал этилаётган айни вақтда ҳам кўпгина нарсаларга эришиш мумкин. Бунинг учун хоҳиш-ирода керак холос. Шу ўринда мен давр ижроия комитетлари соғлиқни сақлаш ва халқ таълими органлари, меҳнат коллективлари ва жамоатчилик уюшмалари куч-ғайратлари ва қатъий ҳаракатларини халқ депутатларининг, партия ва касаба союз ташкилотларининг ҳаракатлари билан бирлаштирилишини тақозо этаётганлигини назарда тутаяпман. Ҳозир эса бу ички ишлар органларининг орзусигина холос. Кўриниб турибдики, улар ўз вазифаларини бажаришяпти. Аммо ана шу социал иллатга қарши ҳужумкор курашни биргина милиция таъминлай олмаслигини унутмаслик лозим.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

